

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 14 » ЯНВАРЬ 20 20 у.

№ 22

Toshkent sh.

Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда аҳоли кенг қатламлари ва тадбиркорларнинг, шу жумладан чет эллик тадбиркорларнинг фазовий маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, шунингдек, геодезия ва картография фаолиятида давлат сирларини муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳукукий базани такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кўйидагиларга:

1984 йилги умумжаҳон геодезия координаталари тизимига (WGS-84) боғланган ва белгиланган тартибда назорат кўригидан ўтказилган ҳар қандай рухсат этилган аэрокосмик суратлардан фойдаланишга;

1942 йилги давлат координаталар тизимида географик объектлар координаталарини аниқлашга чекловлар олиб ташлансин, тоифалаштирилган объектлар ва геодезия пунктлари бундан мустасно.

2. Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Махфий.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратиш ва географик ахборот тизимлари маълумотларининг очиклигини, геодезия ва картография

соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин;

картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очиқ бўлган хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш, геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботлари тўғрисида таклифлар киритган ҳолда, муаммоли масалаларни аниқлаш учун ушбу қарорни қўллаш амалиёти мониторингини юритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж. Рамаатов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 14 ” январ даги 22-сон қарорига
илова

**Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг)
чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очик бўлган
хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини
бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография
соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат
бериш тартиботлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом геодезия, топография, картография, гравиметрия, аэрокосмик суратга олиш материалларининг (кейинги ўринларда картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) деб аталади) чекловчи грифларини белгилаш тартибини, фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратишга талабларни, махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини, шунингдек, геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича рухсат бериш тартиботларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

аэросуратга олиш ва космик суратга олиш – космик ва авиация учиш аппаратлари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида фотография, телевизион, инфрақизил, микротўлқинли, радиолокация ва бошқа қурилмалар ёрдамида ер юзаси ҳақида ахборот олиш;

географик ахборот тизими (кейинги ўринларда ГАТ деб аталади) – фазовий маълумотлар ва улар билан боғлиқ ахборотни яратиш (тўплаш, сақлаш, ишлов бериш), акс эттириш ва тарқатиш учун мўлжалланган ахборот тизими;

геофазовий ахборот (кейинги ўринларда ГФА деб аталади) – ер юзасида, ернинг устки қатламида, ер устки қатламга туташ атмосфера қатламида ва ер атрофидаги фазода жойлашган жойлар ва объектлар ҳақидаги маълумотлар тўплами;

географик объект – ер юзасининг табиий ва сунъий объектлари ва контур нукталари, шунингдек, мўлжал бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган рельеф элементлари;

геодезия пункти – жойда (тупроқда, бинода ёки бошқа сунъий иншоотда) алоҳида мустақамлаб қўйилган ҳамда геодезия усуллари ёрдамида аниқланган координаталарни ўз ичига олган нукта. Геодезия пункти, қоида тариқасида,

махсус марказдан, ташқи белгидан ҳамда зовур ёки вал тарзидаги ташқи кўринишдан иборат бўлади;

давлат координаталар ва баландликлар тизими – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бутун давлат ҳудуди учун белгиланадиган координаталар ва баландликлар тизими;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) – геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирлари сақланишининг назоратини таъминловчи махсус ваколатли орган;

картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) – рақамли, қоғоз ва бошқа кўринишда тайёрланган топографик ва махсус харита ва планлар, аэросуратга олиш ва космик суратга олишнинг бирламчи ва ҳосила материаллари, шунингдек, гравиметрия маълумотлари, геодезия пунктлари ва географик объектларнинг координаталари;

геодезия пунктлари ва географик объектлар координаталари – барча тоифалардаги астрономия, геодезия, гравиметрия ва нивелир пунктлари, ер юзасидаги табиий ва сунъий объектлар ва контур нукталарнинг географик ва тўғри бурчакли координаталари;

материал нусхаси – ҳар қандай усулда олинган, унинг асли (дубликати) билан бирхиллигини таъминлайдиган ҳамда лойиҳалаштириш жараёнида бевосита қўллаш, турли қидирув ишлари, объектлар куриш ва бошқа ишларни бажаришга мўлжалланган ҳужжат (харита, план, схема, сурат, координаталар рўйхати ва бошқалар);

кам қурилган ҳудудлар – қурилган иморатлар майдони умумий майдоннинг 30 фоизидан ошмайдиган ҳудудлар;

фойдаланиш учун очиқ бўлган материаллар – чекловчи грифга эга бўлмаган ҳамда ёпиқ тусдаги ахборотни ўз ичига олмаган материаллар;

маҳаллий координаталар тизими – давлат ҳудудининг чекланган қисмига нисбатан белгиланадиган шартли координаталар тизими, унинг координаталар санок боши ва координаталар ўқлари йўналиши давлат координаталар тизимининг координаталар санок боши ва координаталар ўқлари йўналишига нисбатан сурилган бўлади. Маҳаллий координаталар тизимини белгилаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

фотосуратларнинг устма-уст монтажи – муайян жой фотосуратларининг бир-бирини такрорлайдиган қисмларини қирқиб ташламасдан, устма-уст қўйиш йўли билан монтаж қилиш натижаси;

ташкilotлар – вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа юридик шахслар, уларнинг номлари алоҳида келтирилган ҳолатлар бундан мустасно;

ортофотоплан – аэросуратга олиш ва космик суратга олиш орқали олинган аэрокосмик суратларни дифференциал ортотрансформация қилиш усули асосида марказий проекциядан ортогонал проекцияга ўзгартириш натижасида олинган жойнинг аниқ геодезик асосдаги фотосуратли плани;

аэросуратга ва космик суратга олишнинг бирламчи материаллари – ер юзаси ҳақидаги ахборот бевосита аэросуратга ёки космик суратга олиш жараёнида қайд этиладиган ахборот ташувчилар (фотоплёнка, магнит тасма ва бошқа ташувчилар);

аэросуратга ва космик суратга олишнинг ҳосила материаллари – негативлар ва позитивлар дубликатлари, контакт, проекцияланган ва ўзгартирилган фотосуратлар, фотосхемалар, фотопланлар, ортофотопланлар, фотохариталар, тузатилган видеотасвирлар, синтезланган кўпзонали видеотасвирлар, зичлиги бўйича квантсизлантирилган излар, шунингдек, уларнинг лавҳалари, магнит ёзувлар ҳамда бошқа бирламчи аэросурат ва космик суратга олиш материалларининг дубликатлари;

жойда аэрокосмик суратларнинг аниқ кўрсаткичлари – суратда тасвирланаётган жой тафсилотларининг энг кичик аниқ ҳажми. Фотографик суратлар учун бундай кўрсаткич сифатида аниқ кўрсаткичлар, яъни катта масофага эга бўлган объектнинг жойдаги энг кичик эни қабул қилинади;

ҳисоблаш техникасининг сертификатланган воситалари (кейинги ўринларда ХТСВ деб аталади) – ахборот тизимларини ифода этадиган ҳисоблаш техникаси воситалари, кўчмас ва кўчма объектлар, ҳисоблаш марказлари ва бошқа ҳисоблаш воситалари комплекслари, шунингдек, ахборотга ишлов бериш, кўпайтириш ва сақлашга мўлжалланган, махфий ахборотни ҳимоя қилиш талабларига мувофиқлик бўйича Ўзбекистон Республикаси сертификатловчи органи томонидан берилган сертификатга эга бўлган алоҳида ўрнатилган мосламалар;

махсус (тематик) харита – асосий мазмуни аниқ мавзу билан белгиланадиган ёки муайян вазифаларнинг муайян доирадаги фойдаланувчилар томонидан ҳал этилиши учун мўлжалланган харита, план ёки атлас;

топографик (картографик) асос – тематик ва махсус хариталар ҳамда планлар мазмунининг топографик (умумий географик) қисми;

фотохарита – ер юзасининг фотосуратли ва картографик (шартли белгиларда) тасвири билан биргаликда фотопландан босма усулда олинган тиражли нухса;

фотоплан – суратга олиш трапецияси доирасида ўзгариш нукталари ва белгиларидан фойдаланган ҳолда, алоҳида ўзгартирилган фотосуратлардан монтаж қилинган жой плани. Фотопланни монтаж қилишда фотосуратларнинг бир-бирини ёпиб турувчи қисмлари ҳамда суратга олиш трапецияси доирасидан чиқиб кетган қисмлари кесиб ташланади;

фотосхема – ўзгартирилмаган фотосуратларни асосга (одатда картон варағига) умумий контурлар бўйича монтаж қилиш йўли билан тузилган жойнинг фотосуратли тасвири. Бунда фотосуратларнинг бир-бирини ёпиб турувчи қисмлари кесиб ташланади;

рақамли ва электрон харита ҳамда планлар – харита ёки план мазмунининг магнит тасмага ёки бошқа бирор-бир ахборот ташувчига ёзилган рақамли тасвири;

WGS-84 (World Geodetic System 1984) – 1984 йилда АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган умумжаҳон геодезия координаталари тизими.

2-боб. Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш

3. Картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) “махфий” ёки “хизмат доирасида фойдаланиш учун” (кейинги ўринларда ХДФУ деб аталади) грифларига эга бўлиши, шунингдек, фойдаланиш учун очик бўлиши мумкин.

4. Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) махфий ахборотларни ўзида сақлашидан келиб чиқиб, очик фойдаланишда чекланган махфий маълумотлар ва ахборотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5. ХДФУ грифига эга бўлган картография ва геодезия материалларига (маълумотларига) қуйидагилар киради:

а) давлат координаталар тизимида 1:100 000 масштабдаги топографик хариталар, ортофотопланлар ва фотохариталар, маҳаллий координаталар тизимида 1:50 000 масштабдаги худди шу материаллар, шунингдек, геодезия тармоқ пунктлари ва объектлар тавсифлари киритилган 1:200 000 масштабдаги топографик хариталар ва фотохариталар;

б) 100 дан 300 гектаргача бўлган ҳудуднинг абонентлар фойдаланадиган телекоммуникация, магистрал ва юқори босимли газ таъминоти тармоқлари,

шунингдек, аҳолиси 100 мингдан 250 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари сув таъминоти тасвирланган махсус хариталар, планлар ва схемалар;

в) маҳаллий координаталар тизимида битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан катта бўлган ҳудуд учун тузилган топографик харита ва планлар, махсус харита ва планлар (кейинги ўринларда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти битта маъмурий-худудий бирлик сифатида қабул қилинади);

г) давлат координаталар тизимида жойнинг аниқлик кўрсаткичлари 2 дан 4 метргача бўлган ортофотопланлар;

д) давлат координаталар тизимидаги 30 метрдан 70 метргача хатолик билан белгиланган геодезия пунктларининг координаталари (координаталар рўйхатлари), шунингдек, геодезия пункти жойлашган жойни худди шундай хатолик билан аниқлаш имконини берадиган картография материаллари;

е) геодезия пунктларининг шартли ва маҳаллий координаталар тизимида битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 20 фоизгача ортадиган ер участкасидаги координаталар (каталоглари ва координаталар рўйхатлари), доимий фаолият кўрсатувчи базавий сунъий йўлдош станциялари координаталари (каталоглари ва координаталар рўйхатлари) бундан мустасно;

ж) маҳаллий координаталар тизимида битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 20 фоизгача ортадиган ҳар қандай аниқлик кўрсаткичига эга бўлган, ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларнинг аниқланган тасвирлари ёки уларни йўқ қилиш излари бўлмаган рельеф горизонталлар ва шифрсизлантирилган контурлар билан тасвирланган аэрокосмик суратлар, ортофотопланлар, фотохариталар ва фотосхемалар. Ушбу кўрсатилган материалларда рельеф тегишли масштабдаги топографик харита аниқлигида ва батафсил тасвирланади;

з) телевизион, инфракизил, микротўлқинли, радиолокация ва бошқа аппаратлар ёрдамида авиация ташувчилар ва космик аппаратларда олинган бирламчи суратга олиш маълумотлари ҳамда уларнинг ҳосила материаллари, башарти уларда ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларнинг аниқланган тасвирлари ёки уларни йўқ қилиш излари бўлмаса ҳамда битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 20 фоизгача ортадиган майдонни қопласа.

6. ХДФУ грифига эга материалларда ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларни, шу жумладан уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларини (телекоммуникация, электр таъминоти, газ таъминоти, автомобиль ва темир йўллари, сув таъминоти ва канализация) кўрсатиш тақиқланади.

3-боб. Картография ва геодезия материаллари (маълумотлари), шунингдек, фойдаланиш учун очик бўлган географик ахборот тизимларидаги геофазовий ахборотни яратишга талаблар

7. Фойдаланиш учун очик бўлган картографик материаллар маҳаллий координаталар тизимларида битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан катта бўлмаган ҳудуд учун аналогли ва электрон-рақамли кўринишда, шунингдек, WGS-84 координаталар тизимида ҳудудни чекламаган ҳолда, ушбу Низомга 1 ва 1а-иловаларда келтирилган талабларга мувофиқ яратилади.

Битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан катта бўлмаган ҳудуд учун маҳаллий координаталар тизимида фойдаланиш учун очик бўлган хариталар, фотохариталар ва ортофотопланларни яратишда туташ ҳудудларни камраб олиш майдонини 10 фоизгача оширишга йўл қўйилади.

8. Фойдаланиш учун очик бўлган картография ва геодезия материалларига (маълумотларига) қуйидагилар киради:

а) давлат координаталар тизимида 1:200 000 масштабдаги (геодезия тармоқ пунктларини туширмасдан ва фойдаланиш учун очик бўлган хариталарда кўрсатилиши тақиқланган объектларни тавсифламасдан), давлат координаталар тизимида 1:300 000, 1:500 000 ва 1:1 000 000 масштабдаги топографик хариталар ва фотохариталар, шунингдек, маҳаллий координаталар тизимида 1:100 000 масштабдаги топографик хариталар;

б) маҳаллий координаталар тизимида битта вилоят ҳудудидан катта бўлмаган ҳудуд ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди учун аэрокосмик суратга олиш асосида тайёрланган, шунингдек, WGS-84 координаталар тизимида ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ назорат кўригидан ўтган ҳар қандай аниқлик кўрсаткичга (майдонни чекламасдан) эга бўлган ортофотопланлар;

в) давлат координаталар тизимида жойнинг аниқлик кўрсаткичлари 4 метр ва ундан ортик бўлган ортофотопланлар;

г) давлат координаталар тизимида жойнинг аниқлик кўрсаткичлари 70 метр ва ундан юқори хатолик билан аниқланган геодезия пунктлари координаталари;

д) астрономия, астрофизика, геофизика обсерваториялари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган станциялар, шунингдек, нодавлат координаталар тизимида доимий фаолият кўрсатувчи базавий сунъий йўлдош станциялари координаталари;

е) нодавлат координаталар тизимида планли ва баландлик тармоқларини фотограмметрик зичлаштиришда журналлар кўринишидаги дастлабки ахборот,

триангуляция, полигонометрия ва трилатерация дала ўлчов маълумотлари, уларни ҳисоблаш техника воситаларида қайта ишлаш учун мўлжалланган нивелирлаш бўйича кирувчи ва чиқувчи ахборот;

ж) 1930 йилгача нашр қилинган нометрик топографик хариталар, шаҳарлар режалари ва бошқа картография материаллари;

з) метамаълумотлари бўлган ва ишлов берилмаган сунъий йўлдош ўлчовлари маълумотлари, электрон-рақамли геодезия ўлчов асбобларида бажарилган бурчак ва баландлик ўлчов натижалари;

и) паст ва ўрта босимли газ таъминоти, электр таъминоти, канализация ва қоризлар, шунингдек, аҳолиси 100 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари сув таъминотининг тармоқлари ва объектлари тасвирланган махсус хариталар, планлар, схемалар (ўта муҳим ва тоифалаштирилган, шунингдек, режимли ва ҳарбий объектларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари бундан мустасно);

к) WGS-84 координаталар тизимида ифодаланган фуқаро авиацияси объектлари жойлашган жойлар, халқаро ҳаво трассалари ва аэродромлар ҳудудларида маневрлаш схемалари, тўсиқлар нуқталарининг координаталари;

л) геодезия пунктларининг шартли ва маҳаллий координаталар тизимида битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди доирасидаги координаталари (каталоглари ва координаталар рўйхатлари);

м) 100 гектаргача бўлган ҳудуд учун абонентлар фойдаланадиган телекоммуникациялар тармоқлари тасвирланган махсус хариталар, планлар, схемалар.

9. ГАТда ушбу Низомга 2-иловада келтирилган элементлар, объектлар ва атрибутив (матнли) маълумотлари бўлган геофазовий ахборотдан чекловчи грифларсиз фойдаланилади. ГАТда чекловчи грифларга эга бўлмаган бошқа элементлар, объектлар ва уларнинг атрибутив (матнли) маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

ГАТнинг картографик асоси маҳаллий координаталар тизимларида битта вилоятнинг ҳудудидан катта бўлмаган ҳудуд ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди учун ёки WGS-84 координаталар тизимида ҳудудни чекламасдан яратилади.

Битта вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди учун маҳаллий координаталар тизимида фойдаланиш учун очик бўлган ГАТ картографик асосини яратишда туташ ҳудудларни қамраб олиш майдонини 20 фоизгача катталаштиришга йўл қўйилади.

10. Фойдаланиш учун очик бўлган картография материалларида аҳоли пунктлари бош планларининг мазмун элементларидан ушбу Низомга 3-иловада келтирилган талабларга мувофиқ фойдаланилади.

11. Давлат координаталар тизимидан маҳаллий координаталар тизимига ўтиш ва аксинча, маҳаллий координаталар тизимидан давлат координаталар тизимига ўтиш параметрларининг (калитларининг) эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Картография материалларини, шу жумладан рақамли кўринишда, шунингдек, ГАТларни яратишда ишларни бажарувчи ташкилотлар давлат координаталар тизимидан маҳаллий координаталар тизимига ва аксинча, маҳаллий координаталар тизимидан давлат координаталар тизимига ўтиш параметрларининг махфийлигини таъминлаши шарт.

4-боб. Геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш талаблари

12. Геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги рухсат бериш тартиботлари белгиланади:

геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш;

махфий картография материалларини кўпайтиришга рухсат бериш;

махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) беришга рухсат этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатишга рухсат бериш;

аэросуратга олиш ишларини бажаришга рухсат бериш;

аэросуратга олиш ва космик суратга олиш материалларини назорат кўригидан ўтказиш.

13. Геодезия ва картография ишларини рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мудофаа вазирлигининг топогеодезия бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари эҳтиёжлари учун бажариладиган геодезия ва картография ишларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

14. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) кўпайтиришга зарурат бўлганда, ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ махфий картография ва геодезия материалларини сақловчи ташкилот манзилига кўпайтириш учун буюртма юборилади.

15. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) кўпайтириш учун рухсатнома ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ уч иш куни

давомида Инспекцияни хабардор қилган ҳолда, ташкилот раҳбари томонидан берилади.

Кўпайтирилган махфий картография ва геодезия материалларидан (маълумотларидан) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланишга зарурат қолмагандан сўнг материаллар (маълумотлар) нусхалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиниши ва бу ҳақда Инспекцияга уч иш кунидан кечиктирмасдан хабардор қилиниши лозим.

Инспекцияда рўйхатга олинган техник лойиҳаларда (дастурларда) махфий картография материалларини кўпайтириш назарда тутилган ҳолатларда, бу ҳақда Инспекцияни хабардор қилиш талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг топогеодезия бўлинмалари махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) кўпайтириш учун рухсатнома расмийлаштириш талаб қилинмайди.

16. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш учун рухсатнома Низомга 6-иловадаги схемага мувофиқ тартибда, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда берилади.

17. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга беришга рухсатнома олиш учун материалларни (маълумотларни) бераётган ташкилот Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасига (кейинги ўринларда “Давергеодезкадастр” кўмитаси деб аталади) бериладиган махфий материалларни (маълумотларни) илова қилган ҳолда, тегишли рухсатномани бериш ҳақида буюртманома билан ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ мурожаат қилади.

18. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш ҳақида қарор қабул қилиш учун “Давергеодезкадастр” кўмитаси ҳузурида ташкил этиладиган комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб аталади) ҳулосаси асос бўлади.

19. Махсус комиссия “Давергеодезкадастр” кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДХХ деб аталади), Мудофаа вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги вакилларидан шакллантирилади.

Махсус комиссиянинг ҳуқуқ ва ваколатлари қонунчиликда белгиланган тартибда “Давергеодезкадастр” кўмитаси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

20. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш мумкинлиги ҳақида махсус комиссиянинг хулосасини тайёрлаш бўйича ишчи орган функцияларини Инспекция амалга оширади.

Ишчи орган вазифаларига, жумладан, тақдим этилган материалларнинг тўлиқлигини текшириш ҳам киради.

21. Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериладиган махфий картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) мазмунидан келиб чиқиб, махсус комиссия ишига бошқа вазирликлар ва идоралар вакиллари жалб этилиши мумкин.

22. Махсус комиссиянинг хулосалари баённома кўринишида расмийлаштирилади. Баённома махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда “Давергеодезкадастр” кўмитаси раиси (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланади.

Махсус комиссия мурожаат қилинган кундан эътиборан ўн иш куни мобайнида тегишли хулосани беради ёки материалларни (маълумотларни) тўлиқ ишлаб чиқиш учун қайтаради.

Махсус комиссиянинг махфий материалларни (маълумотларни) бериш ҳақида ижобий хулосаси олинганда, “Давергеодезкадастр” кўмитаси материалларни (маълумотларни) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга хужжатларни рухсат берилиши юзасидан келишиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш, махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан сўнг “Давергеодезкадастр” кўмитаси буюртмачига (юрidik шахсга) махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш учун ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда рухсат беради.

23. Тадбиркорлик субъектлари, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан махфий картография ва

геодезия материалларини (маълумотларини) ўзаро алмашинуви фақат Инспекция орқали мазкур Низомга 8-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Инспекция томонидан махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) беш иш куни мобайнида ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ рухсатнома бериш йўли билан, материалларни (маълумотларни) берувчи ташкилотнинг ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманомаси асосида берилади. Мудофаа вазирлиги ва ДХХ бўлинмалари бўлган ташкилотлар бундан мустасно.

Махфий картография материаллари ва геодезия маълумотларини беришга рухсатнома бериш ҳақидаги мурожаатни кўриб чиққанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Инспекциянинг ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

24. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш учун рухсатномани қуйидаги ҳолатларда расмийлаштириш талаб этилмайди:

Инспекцияда рўйхатга олинган техник лойиҳаларда назарда тутилган махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) берилганда;

махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) ДХХ ва Мудофаа вазирлигига, шунингдек, уларнинг ёзма сўровига асосан бўлинмаларига берилганда;

махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) турли бўлинмалар томонидан комплекс ишларни бажариш учун битта вазирлик, идора, давлат бошқаруви ва хўжалик бирлашмаси доирасида берилганда.

25. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш ҳақидаги мурожаатда берилаётган материаллар ёки маълумотларни олишдан мақсад уларни олганлик ёки яратиш, олувчида махфий иш юритиш мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади. Мурожаатнинг махфийлик даражасини мурожаат қилувчи ташкилот белгилайди.

26. Вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари махфий картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) бир тизимдаги ташкилотларга берилиши учун юқори турувчи ташкилот раҳбари номига Низомга 9-иловага мувофиқ шаклда ёзма мурожаат қилади. Юқори турувчи ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан Низомга 7-иловадаги шаклда қўйи тизимдаги ташкилотларга рухсатнома берилади. Барча жараёнлар уч иш куни мобайнида Низомга 8а-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

27. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) беришга рухсат этувчи талабларга қуйидагилар киради:

жўнатувчи ва олувчи ташкилотда махфий иш юритишнинг мавжудлиги;

бериладиган материални олганлик ёки унинг келиб чиқиши ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги;

жўнатувчи ва олувчи ташкилотда махфийлик режимига риоя этилиши.

28. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш рад этилган тақдирда, кўриб чиқувчи орган ташкилотни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган талабларнинг бажарилмаганлиги махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) беришни рад этишга асос бўлади.

29. ХДФУ грифига эга картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар (ташкилотлар) ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга беришга рухсатнома ушбу материалларга эгалик қилувчи давлат бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг раҳбари (ёки унинг биринчи ўринбосари) томонидан ушбу материалларга эга ташкилотларга идоравий мансублиги бўйича ёзма мурожаат олингандан кейин беш иш куни мобайнида берилади.

Тадбиркорлик субъектларига ХДФУ грифига эга картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш учун рухсатнома Инспекция томонидан ёзма мурожаат олингандан кейин беш иш куни мобайнида берилади.

ХДФУ грифига эга картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа ташкилотларга ушбу материалларга эгалик қилувчи ташкилот раҳбарининг ёзма розилиги билан берилади.

30. Фойдаланиш учун очик бўлган картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатишга рухсатнома Инспекция томонидан ташкилотнинг ёзма мурожаати олингандан кейин беш иш куни давомида ихтиёрий шаклда ушбу Низомга 10-иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

Мурожаатга картография материаллари икки нусхада илова қилинади.

Тақдим этилган картография материалининг бир нусхаси Инспекцияда қолади, иккинчиси ариза берувчига картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатишга рухсат берилганлиги ҳақида штамп босиб қайтарилади.

Картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатиш учун рухсатнома беришга мурожаатни кўриб чиққанлик учун ҳар бир кўриб чиқилган А2 (594 мм х 420 мм) форматдаги картография материалга базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси Инспекциянинг ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

31. Мурожаатда картография материалларини нашр қилишдан мақсад ва картография ишининг Инспекцияда рўйхатга олинганлиги ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Олиб кирилган картография маҳсулотини тарқатишга рухсатнома олиш учун мурожаат қилинган тақдирда, Инспекцияга картография маҳсулоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудига расмий олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжатлари тақдим этилади.

Рухсат бериш талабларига қуйидагилар киради:

қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ва маъмурий чегараларини кўрсатиш ва географик объектлар номларини қўллаш;

дунё давлатлари географик объектларининг номлари, маъмурий-ҳудудий тузилиши ва миллий чегараларини Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ қўллаш;

фойдаланиш учун очик бўлган хариталарда кўрсатилмайдиган объектларнинг (хариталар элементлари) кўрсатилишини истисно этиш.

32. Юқорида кўрсатилган рухсатномани бериш рад этилган тақдирда, Инспекция мурожаат олинган кундан кейин беш иш куни мобайнида ташкилотни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Маҳсулотнинг ушбу Низом 31-бандида кўрсатилган рухсатнома бериш талабларига мос келмаслиги рухсатнома беришни рад этишга асос бўлади.

33. Махфий картография материалларини беришга ҳамда фойдаланиш учун очик бўлган картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатишга рухсатнома икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусхаси ариза берувчига юборилади, иккинчиси Инспекцияда қолади.

Махфий картография материалларини беришга рухсатномаларни сақлаш муддати – 20 йил, фойдаланиш учун очик бўлган картография материалларини нашр қилиш ва/ёки тарқатишга рухсатномаларни сақлаш муддати эса – камида 10 йилни ташкил қилади.

34. Аэросуратга олиш ишларини, жумладан, учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Мудофаа вазирлиги томонидан берилади.

35. Табиий офатлар ва техноген аварияларга учраган объектлар ва худудларни табиий (кучли zilzilalar, сув тошқинлари, селлар, кўчкилар, бўронлар, ёнғинлар ва бошқалар) ва техноген (портлашлар, ёнғинлар, биноларнинг кулаши, кимёвий зарарланиш ва бошқалар) омиллар таъсири натижаларини зудлик билан қайд этиш учун ўрганиш ҳамда ушбу омилларга қарши курашиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида аэросуратга олиш маҳаллий давлат органларининг раҳбарлари қарори билан рухсат бериш тартиботларини ўтказмасдан амалга оширилади.

36. Барча бирламчи маълумотлар, ҳар қандай аниқлик кўрсаткичларига эга бўлган, жумладан, телевизион, инфрақизил, микротўлқинли, радиолокация ва бошқа аппаратлар ёрдамида авиация ташувчиларда аэросуратга олиш материаллари ҳамда уларнинг ҳосила материаллари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штабида назорат кўригидан ўтказилиши шарт, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Назорат кўригидан ўтказиладиган аэрокосмик суратга олиш материалларига “махфий” грифи қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби назорат кўриги натижаларига асосан материалларга чекловчи гриф қўяди (ёки олиб ташлайди) ҳамда ушбу материаллардан кейинчалик фойдаланиш бўйича кўрсатма беради.

Назорат кўриги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) “Давергеодезкадастр” қўмитаси, Инспекция ва Инспекция қошидаги Давлат картография-геодезия фондига (кейинги ўринларда Фонд деб аталади) рухсатнома расмийлаштирмасдан берилади.

Фонд маълумотлари ва материалларидан фойдаланганлик ва уларни олганлик учун йиғимлар ундирилади, уларнинг миқдори “Давергеодезкадастр” қўмитаси томонидан белгиланади.

Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) “Давергеодезкадастр” қўмитаси ва Инспекция томонидан бошқа ташкилотларга бериш рухсатнома расмийлаштирмасдан амалга оширилади, уларни чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ташкилотларга бериш ҳоллари бундан мустасно.

5-боб. Махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш

38. Махфий-режим бўлими (махсус қисм, бўлинма) мавжуд бўлган ташкилотлар махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) Фонддан олиш учун Инспекцияга сўралаётган материаллар қандай мақсадда талаб этилаётганлигини кўрсатган ҳолда мурожаат юборади.

Мурожаатга ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ шаклда номенклатура ва варақлар сони кетма-кет санаб ўтилган буюртманома илова қилинади.

Махфий картография материалларини вақтинча фойдаланишга, башарти Инспекция томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, бир ойгача бўлган муддатга берилади. Буюртманома ва мурожаатга хариталар номенклатурасини кўрсатган ҳолда чекловчи грифни белгилаш зарурати буюртманома берувчи ташкилот томонидан белгиланади.

39. Геодезия пунктлари координаталари Инспекция томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ишларни бажариш учун берилади. Рўйхатга олишни талаб этмайдиган ишлар учун геодезия пунктлари координаталари ишларнинг ижрочиси бўлган ташкилот бажарадиган ишлар доирасида Инспекция томонидан берилади.

40. Ташкилотларга гравиметрия пунктлари координаталарини, шу жумладан ушбу пунктлардаги оғирлик кучи тезлашиши қийматларини бериш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади.

41. Ташкилотларда олинган ва тайёрланган картография материаллари инвентар ҳисобга олиш журналларида номенклатуралар бўйича, координаталар тизимлари, махфийлик даражаси ва масштаблари бўйича алоҳида ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ шаклда ҳамда топографик хариталар (планлар, фотохариталар, фотопланлар, фотосхемалар) бериш журналларида ушбу Низомга 13-иловага мувофиқ шаклда ҳисобга олинади.

Картография материалларининг ҳар бир нусхасига алоҳида инвентар рақам берилади. Ҳар бир нусханинг орқа томонида ташкилот номи ва инвентар рақами кўрсатилган ҳолда штамп қўйилади.

Инвентар ҳисобга олиш журналлари ҳамда махфий топографик хариталар, планлар, фотохариталар, фотопланлар ва фотосхемаларни бериш журналлари ХДФУ грифига эга бўлиши, аммо ташкилотларнинг махфий-режим бўлимлари (махсус қисм, бўлинмалари) томонидан ҳисобга олиниши лозим.

42. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларида топографик хариталар ва планларнинг ҳисоби Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган шакллар ва тартибда юритилади.

43. Ташкилотларда аэронегативлар (дубль-негативлар), аэросуратлар, устма-уст монтаж қилинган репродукциялар ва ушбу репродукциялардан негативлар, махсус асбоблар ва учиш паспортлари кўрсаткичлари, шунингдек, космик суратга олишнинг бирламчи ва ҳосила материаллари махсус инвентар ҳисобга олиш журналларида ушбу Низомга 14-иловага мувофиқ шаклда ҳисобга олинади.

44. Ҳар бир объектнинг аэронегативлари (дубль-негативлари), аэросуратлари ва космик суратлари ортиб борувчи рақамлар тартибида танлаб олиниши ҳамда бу рақамлар юзтадан ошмаслиги ҳамда қаттиқ конвертларга жойлаштирилиши керак.

Конвертларга тегишли чекловчи гриф қўйилади ҳамда аэросуратга олиш ёки космик суратга олиш ишларини бажарган ташкилотнинг номи, суратга олиш ишлари бажарилган йил ва унинг масштаби, камера тури, аэрофотосуратга олиш апаратининг рақами ва фокус масофаси, плёнка тури, аэронегативлар ўлчамлари, участка (объект) титули, фильм рақами, трапеция рақами ёзиб қўйилади. Шунингдек, аэронегативлар рақамлари ва уларнинг сони, конвертнинг инвентар рақами кўрсатилади.

45. Аэронегативлар солинган конвертлар қопқоғи зич ёпиладиган металл қутиларга жойлаштирилади.

Қутининг ташқи томонида объект титули ёки фильм рақами, махфийлик грифи, суратга олиш ишлари бажарилган йил ва мазкур қутига жойлаштирилган аэронегативлар рақамлари ёзилади.

46. Аэронегативлар, суратлар ва устма-уст монтаж қилинган репродукцияларга махфийлик грифи қўйилмайди.

47. Аэрофильмлар ҳам (кесилмаган) аэросуратга олиш объектлари бўйича танлаб олинган ва алоҳида рулонли аэроплёнка учун металл банкларда жойлаштирилган бўлиши керак. Банканинг ташқи томонида махфийлик грифи, суратга олинган йил ва аэронегативлар рақамлари кўрсатилади.

Аэросуратлар ва космик суратларни ишлаб чиқариш бўлинмаларига беришда уларга махфий-режим бўлинманинг (махсус қисм, бўлинма) ёрлик штампи қўйилади.

48. Устма-уст монтаж қилинган репродукцияларнинг негативлари аэронегативларни сақлаш учун белгиланган тартибга асосан сақланади. Сканерловчи аппаратда фототеодолит суратга олиш негативлари ва суратларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби аэросуратга олиш материаллари учун белгиланган тартиб билан бир хил.

49. Аэронегативлар, аэросуратлар, космик суратлар, фототеодолит суратга олиш негативлари ва суратлари сканерловчи аппарат, жой тўғрисидаги

ахборотни магнитли ва бошқа ташувчилар ёрдамида қайта юбориш ушбу ҳужжатларнинг (материалларнинг) чекловчи грифига қараб белгиланган тартибда амалга оширилади.

50. Махфий бўлмаган ва ХДФУ лойиҳаларга, ҳисоботларга ва бошқа ҳужжатларга илова қилинган махфий топографик, тематик ва махсус хариталар ва планлар махфий материаллар учун белгиланган тартибда алоҳида сақланиши керак.

Махфий хариталар ва планлар (иловалар) махфий бўлмаган ёки ХДФУ лойиҳалар ва ҳисоботлар билан бирга тахлаб тикилган (кўшимча қилинган) ҳолатларда, ушбу лойиҳа ва ҳисоботларга “махфий” грифи қўйилади.

51. Махфий картография ва геодезия материаллари ташкилот комиссияси томонидан йўқ қилинади ва қоғоз майдаловчи машинада 2,5 квадрат миллиметрдан ортиқ бўлмаган парчаларга майдалаш ёки ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилингани ҳақида далолатнома тузилади.

Махфий картография ва геодезия материалларини йўқ қилиш бўйича комиссия таркибига ташкилот таркибий бўлинмаларининг тегишли шаклдаги рухсатномага эга ва ушбу материалларга бевосита алоқаси бўлган мутахассислари киритилиши мумкин.

Йўқ қилинганлик ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси Инспекцияга юборилади.

52. Ишлатиб бўлинган, яроқсиз ҳолга келган ва ортиқча махфий ҳамда ХДФУ картография ва геодезия материаллари ушбу материаллар ва ҳужжатлар учун белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Ташкилотлар томонидан белгиланган участкаларда геодезия, топография, картография ва бошқа ишларни бажариш учун олинган геодезия пунктлари координаталари ушбу ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган тартибда йўқ қилишини керак.

53. Картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) рақамли кўринишда сақлаш вазирлик, идора ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикасида махфийлик режимини таъминлашга оид меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

54. Ташкилотни тугатишда фойдаланишга яроқсиз картография ва геодезия материаллари далолатномалар бўйича қоғоз майдаловчи машинада 2,5 квадрат миллиметрдан катта бўлмаган парчаларга майдалаш ёки ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади. Фойдаланишга яроқли картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) олинган жойига қайтарилиши ёки Инспекция кўрсатмаси бўйича берилиши керак.

6-боб. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш

55. Вазирликлар ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари махфий ва ХДФУ картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) тўғри ҳисобга олиш, сақлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ўзларининг идоравий мансуб ташкилотларида чекловчи грифга эга материаллар асосида фойдаланиш учун очик бўлган материалларни яратиш тизимли назорат қилинишини таъминлаши лозим.

56. Махфий ва ХДФУ картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини ички идоравий текшириш тегишли комиссия томонидан текширув далолатномасини тузган ҳолда, бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

57. Ташкилотларда мавжуд махфий картография ва геодезия материалларини (маълумотларини) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни текшириш ушбу Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасида махфийлик режимини таъминлаш бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ Инспекция томонидан амалга оширилади.

58. Текширувлар давомида ушбу Низом талаблари бузилганлиги аниқланганда, Инспекция қоидабузарликларни белгиланган муддатда бартараф этиш ҳақида кўрсатма бериш ҳамда ташкилотнинг юқори турувчи органини тегишли чораларни кўриш учун қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилишга ҳақли.

Ташкилот қоидабузиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмаларни бажармаган тақдирда, Инспекцияга уларга махфий материалларни бериш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи берилади.

59. Махфий картография ва геодезия материаллари (маълумотлари) йўқолганда, ташкилот Ўзбекистон Республикасида махфийлик режимини таъминлаш бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ ҳаракат қилади ва бир вақтнинг ўзида уларнинг йўқолгани ҳақида Инспекцияга ёзма равишда хабар беради.

Хабарда йўқолган материаллар номи ва сони, уларнинг реквизитлари (варақлар номенклатураси, координаталар тизими, хариталар масштаби ва бошқа маълумотлар), материаллар йўқолишининг қисқача тафсилоти ва уларнинг йўқолишига олиб келган сабабларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар кўрсатилади.

7-боб. Яқунловчи қоида

60. Ташкилотлар раҳбарлари ушбу Низом талабларига риоя этилиши, картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) сақланганлиги,

ҳисобга олиниши, сақланиши, улардан фойдаланиш, шунингдек, тематик ва махсус хариталар ва планларнинг махсус юкламасига нисбатан махфийлик даражасини тўғри белгилаш учун шахсан жавобгар бўлади.

61. Ташкилотлар томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилиши ДХХ органлари ва Инспекция томонидан назорат қилинади.

Картография ва геодезия материалларининг (маълумотларининг) чекловчи грифларини белгилаш, фойдаланиш учун очик бўлган хариталарни яратиш, махфий картография ва геодезия материалларини бериш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда геодезия ва картография соҳасидаги давлат сирларининг сақланишини таъминлаш бўйича руҳсат бериш тартиботлари тўғрисидаги низомга 1-илова

Фойдаланиш учун очик бўлган хариталарда топографик хариталар ва жойдаги объектлар элементларини кўрсатишга қўйиладиган ТАЛАБЛАР

т/р	Харита элементлари ва жой объектларининг номлари	Топографик хариталар масштаблари					
		1:10 000		1:25 000		1:50000 ва кичикроқ	
		График бажарилиши	Номлари, тавсифлари ва бошқа матили маълумотлар	График бажарилиши	Номлари, тавсифлари ва бошқа матили маълумотлар	График бажарилиши	Номлари, тавсифлари ва бошқа матили маълумотлар
1. ГЕОДЕЗИЯ ПУНКТЛАРИ, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ВА АЛОҲИДА ИМОРАТЛАР							
1.	Геодезия, гравиметрия, астрономия пунктлари, нивелирлаш тармоқлари реперлари ва маркалари, мўлжал пунктлар, суратга олиш тармоқларининг пунктлари, чегара белгилари ва зичлаштириш тармоқлари	Кўрсатилмайди (баладдлиги белгилаб кўрсатилишига йўл қўйилади)	Ернинг баладдлик белгиси ёзилади	Кўрсатилмайди (баладдлиги белгилаб кўрсатилишига йўл қўйилади)	Ернинг баладдлик белгиси ёзилади	Кўрсатилмайди (баладдлиги белгилаб кўрсатилишига йўл қўйилади)	Ернинг баладдлик белгиси ёзилади
2.	Масжидлар, черковлар	Шартли белги билан кўрсатилади	Номлари ёзилади	Шартли белги билан кўрсатилади	Ёзилмайди	Шартли белги билан кўрсатилади	Ёзилмайди
